

МАМЛАКАТИМИЗНИ ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИМИЗНИ ҚАТЪИЯТ БИЛАН ДАВОМ ЭТТИРИШ – БОШ МАҚСАДИМИЗДИР

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

ОЗОД ВА ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗНИНГ
ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Қадри дўстлар!
Мухтарам юртдошлар!
Шу кунларда Ватанимиз учун мустақил, эркин ҳаёт кечириш, уни тараққий топган демократик давлатлар қаторига қўтариш йўлининг асосий принциплари ва қоидаларини муҳрлаб берган Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилганимизнинг 22 йиллигини байрамона нишонламоқдамиз.

Тарихимизда чуқур из қолдирган ана шу буюк сана билан сиз, азизлар, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни чин қалбимдан самимий табриклаш, барча-барчангизга чуқур ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этиш мен учун катта бахтдир.

Конституциямизда белгилаб берилган асосий мақсадларимиз барчамизга яхши маълум. Яъни, Бош қомусимиз бозор иқтисодиётига асосланган мустақил демократик давлат қуриш, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларни, қонун устуворлиги ва мамлакатимиз барча фуқаролари учун қонун олдида тенглик тамойили таъминланганидан фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг мустаҳкам пойдеворини яратиб берди.

Собиқ Иттифок, СССР деган империя пароканда бўлиб, тарқалиб кетганидан сўнг, ўта таҳликали бир замонда биз "шок терапияси" каби моделларнинг номақбул шакллари билан бутунлай воз кечганимиз – шуни таъкидлашимиз зарур – ўта муҳим ва ҳал қилувчи қадам бўлди.

Ўзбекистонимизга мос тарихий, миллий, анъанавий ва иқтисодий вазият ва хусусиятларни инобатга олмасдан туриб, "бозор иқтисодиётининг шиддатли гирдобига ўзингни ташласанг, унинг ўзи қўзланган манзилга олиб чиқади" деган хом-хаёллардан бутунлай воз кечдик. Ва бугунги кунда бутун дунёда тан олинган, "Ўзбек модели" деб ном олган жамиятимизни тубдан ислох этиш, эркинлаштириш, демократик янги давлат қуриш, уни модернизация қилиш бўйича пухта ўйланган тараққиёт йўлимизни танлаб олдик.

Тақдиримиз ҳал бўлаётган ўша оғир пайтда қанча сохта дохийлар майдонга чиққани, қандай кескин тортишувлар бўлгани, таъйик ва ёзувонлик ишлатилгани, ёш давлатимиз кемасини ағдаришга турли уринишлар содир этилгани сизларга яхши маълум, деб ўйлайман.

Лекин бундай уринишлар, ҳаракат ва ҳуружларнинг пучга чиққанини, биз танлаган тараққиёт стратегиясининг нақадар

тўғри бўлганини ҳаётнинг ўзи яна ва яна бир бор тасдиқлаб бермоқда.

Шу фурсатдан фойдаланиб, сиз, азизлар, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимиз айнан ўзимизга хос, ўзимизга мос бўлган, "Ўзбек модели" деб эътироф этилган ривожланиш йўлимизни кенг қўллаб-қувватлагани учун яна бир бор ўзимнинг чуқур миннатдорлигимни билдириш, сизларнинг олдингизда, эл-юртимиз олдида таъзим қилишни ўзим учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Биз танлаган ва машҳур беш тамойилга асосланган тараққиёт моделининг нақадар ҳаққоний ва самарали экани биз кураётган янги демократик тизимда, иқтисодиётимиз ривожланишининг барқарор-барчани ҳайратда қолдираётган суръатларида, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати ортиб бораётганида ўзининг амалий тасдиғини топомқда.

Ўтган даврда биз дуч келган оғир синов ва муаммоларга қарамадан, мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти қарийб 5 баробар, аҳоли даромадлари жон бошига ўртача 8,7 баробар ўсганини, мамлакатимиз аҳолиси бу даврда 1,5 марта кўпайиб, 2015 йилнинг 1 январидан 31 миллион 500 минг кишини ташкил этишини инобатга оладиган бўлсак, бундай улкан натижаларга эришганимизни, очигини айтганда, баъзан тасаввур қилишнинг ўзи ҳам қийин.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг таъки қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 15 фоиздан ошмаслиги, ички қарзимиз умуман йўқлиги, экспорт ҳажми, олтин-валюта захираларимиз барқарор суръатлар билан ошиб бораётганида ҳам эришган улкан натижаларимиз исботини кўриш, кузатиш қийин эмас.

Жаҳон миқёсидаги глобал иқтисодий инқироз ҳали-бери давом этаётганига қарамадан, дунёнинг санокли давлатлари қаторида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръатлари сўнгги 10 йил давомида 8 фоиздан зиёд бўлиб келмоқда. Янги – 2015 йилда ҳам ана шундай юксак ўсиш суръатлари кўзда тутилмоқда.

Қадри ватандошларим!
Мамлакатимизда амалга оширилётган оламшумул ўзгаришлар, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тобора чирой очиб, аҳолиимизнинг фаровонлиги юксалиб бораётгани ҳақида гапирганда, бундай янгиланишларнинг гоят муҳим манбалари – аввало, одамларимизнинг онгу

тафаккури, дунёқарashi ва кайфияти тубдан ўзгариб, уларнинг ён-атрофимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси, эртанги кунга муносабати ва ишончи тобора мустаҳкамланиб, сиёсий савияси ва ҳуқуқий маданияти ўсиб бораётгани ҳақида алоҳида тўхталишни ўринли деб биламан.

Шулар ҳақида сўз юритар эканмиз, биз бундан 17 йил олдин қабул қилган, қўлга киритилган барча ютуқ ва марраларимизнинг омили ва замини бўлган, ҳаммамизнинг, аввало, болаларимизнинг онгу тафаккурини, ҳаётга бўлган муносабатини тубдан ўзгартирган Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ва истиқболли мактаб дастури ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишимиз зарур, деб ўйлайман.

Эски тизимнинг қолип ва ақидаларидан холи бўлган, мустақил фикрлайдиган ва ҳаётга қарайдиган, Ватанимиз тақдирини ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир куч сифатида майдонга чиқаётган бугунги ёш авлодимиз аини шу дастурларнинг, биз амалга ошираётган тарбиявий ишларимизнинг маҳсули, десам, ҳеч қандай хато бўлмайдими.

Азиз юртдошлар, эсингизда бўлса керак, бу дастурни қабул қилаётган пайтда биз вақти-соати келиб у албатта ижобий маънодаги "портлаш эффекти"га сабаб бўлади, деб ишонч билдирган эдик. Минг шукри, ҳақиқатан ҳам, ҳаётимизни бутунлай ўзгартирган мана шундай дастуриимизнинг, унда муҳассам бўлган эзгу мақсадларимизнинг рўёбга чиққанини кўриш бизга насиб этди ва бу барчамизга катта ғурур ва хурсандчилик бағишлаб, кўнглимизни тоғдек қўтаради, эртанги кунга бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлайди.

Мухтарам дўстлар!
Жаҳон тарихи барчамизга бир ҳақиқатни доимо эслатиб туради – ҳаётимиз тараққиёти ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди, худди шу каби жамиятимизни ислох этиш ва демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш ва янгилаш бир муддатлик иш эмас, балки мунтазам давом этадиган узлуксиз жараёндир.

Айниқса, бугун биз XXI асрда – интеллектуал меҳнат билрамчи аҳамият касб этаётган глобаллашув ва интернет асрида яшаётганимизни ҳисобга олади-кан бўлсак, жаҳон бозорида рақобат курашининг миқёси ва кескинлиги тобора ортиб бораётгани бу ҳақиқатни яна тасдиқлаб бермоқда.

Бундан қандай хулоса чиқариш керак?

Жавоб битта: бундай шароитда фақат эришган ютуқлари билан чекланиб қолмасдан, жадал ўзгариб бораётган давр билан ҳамнафас бўлиб қадам ташлайдиган мамлакатгина ўз эзгу мақсадларига эришиши мумкин.

Ҳаётнинг ана шундай қатъий талабини қайд этган ҳолда, **биз танлаган мақсад, яъни тараққий топган давлатлар қаторига кириш, халқимиз ва кела-жак авлодимиз учун муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлаш, халқаро ҳамжамиятда юксак обрў-эътиборга сазовор бўлиш йўлида биз амалга оширган ишларимиз эзгу ниятларимизга эришишнинг фақатгина бир қисми эканини аниқлаб олишимиз даркор.**

Шунинг учун ҳам қўлга киритилган ютуқлар билан чегараланмасдан, хотиржамлик ва ҳаволаниш кайфиятига берилмаслигимиз, аксинча, янги марралар сари интилишимиз, доимо изланиб яшашимиз, тараққиёт ва янгиланиш йўлидан изчиллик билан янада илгариллаб боришимиз зарур.

Ана шу фикр ва хулосалардан келиб чиққан ҳолда, 2010 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма йиғилишида **Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини, бошқача қилиб айтганда, ўзимизнинг узоқ ва давомли муқаддатга бўл-жалланган стратегиямизни қабул қилдик, десак, аини ҳақиқатни айтган бўламиз.**

Ўтган давр мобайнида Концепцияда белгилаб берилган 27 та қонун, ўнлаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳаётимизга татбиқ этилмоқда.

Шулар қаторида, аввало, ҳар қандай демократиянинг асосий шартин бўлмиш ҳокимиятлар бўлинишининг конституциявий принциплари асосида тўб демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш бўйича ўзининг қўламини маъно-мазмунига кўра улкан ишлар амалга оширилди. Натижада Конституциямизга давлат ҳокимиятининг асосий субъектлари – мамлакат Президенти, парламенти, ҳукумати ва суд ҳокимияти ўртасида ваколатлар тақсими-нинг оптималлаштиришни таъминлашга қаратилган тузатиш ва ўзгаришлар киритилди.

(Давоми 2-3-бетларда).

"Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида 5 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунининг йиғирма юқи йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат

арбоблари, фан, маданият ва санъат намояндалари, пойтахт жамоатчилиги, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р. Усмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат маҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов тантанали йиғилишда маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари Конституциямизнинг асосий қоидалари, тамойил ва мақсадлари мамлакатимизда яратилган ва самарали фаолият кўрсатаётган мукаммал қонунчилик ва ҳуқуқий базанинг, бутун дунёда "Ўзбек модели" деб ном қозongan жамиятимизни ислох этиш, демократлаштириш ва эркинлаштириш, таркибий туб ўзгаришлар ва мамлакатимизни модернизация қилиш бўйича пухта ўйланган узоқ муқаддатли дастурининг асосини ташкил этишини алоҳида таъкидлади.

Бундан 22 йил аввал демократик тамойиллар асосида қабул қилинган Асосий қонунимиз мамлакатимизда янги жамиятнинг ҳуқуқий қафолатларини шакллантирди ва мустаҳкамлади.

Мамлакатимиз истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ белгилаб олган бозор иқтисодиётига йўналтирилган демократик давлат қуриш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларни, қонуний

манфаатларини таъминлаш, одил фуқаролик жамияти барпо этиш каби улғув мақсадларга эришишда Конституциямиз ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Халқимиз истиқлол йилларида эришган бетимсол ютуқлар, тинч-осойишта, тўқин ва фаровон ҳаётимиз, навқирон авлодни ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш – буларнинг барчаси негизда Конституциямиз турибди. Зеро, Асосий қонунимиз демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, инсон ҳуқуқлари устуворлигини, тинчлик-осойишталикни таъминлашдек улкан мақсадларга эришишнинг муҳим қафолатидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси байрамимнинг яна бир муҳим жиҳати, шу кун халқимизнинг эзгу интилишларини ифода этадиган, жамиятимиз ривожига хизмат қилаётган энг устувор йўналишлар белгилаб олинди ва келгуси йилга шунга мувофиқ ном берилди.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 2014 йил мамлакатимизда Соғлом бола йили деб эълон қилинган эди. Бу борада ишлаб чиқилган Давлат дастури асосида жисмонан соғлом,

маънан етук баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Йил давомида "Соғлом бола – аввало, соғлом ва ахил оиланинг мевасидир" деган ҳаётий ҳикмат асосида улкан ишлар бажарилди. Давлатимиз раҳбари ушбу дастурда белгиланган тадбирлар юртимизнинг барча ҳудудларини қамраб олиб, соғлом авлодни тарбиялашдек эзгу ниятларимизни рўёбга чиқаришда давлат ва нодавлат ташкилотлари, ижтимоий тузилмалар, ишлаб чиқариш корхоналари, бизнес вакиллари ўз куч ва имкониятлари билан фаол қатнашгани бу гоёнинг чиндан ҳам умумхалқ ҳаракатига айланганининг яққол намояни бўлганини таъкидлади.

Президентимиз Ислам Каримов кириб келётган янги – 2015 йилни мамлакатимизда **Кексаларни эъзозлаш йили** деб эълон қилишни тақлиф этди. Давлатимиз раҳбарининг бу тақлифи йиғилганлар томонидан гулдурдош қарсақлар билан қўллаб-қувватланди.

Тантанали маросим санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг байрам концерти билан якунланди.

Ў.А.

ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Президентимиз Ислам Каримов 5 декабрь куни Оқсаройда бир гуруҳ юртдошларимизга Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширди

Давлатимиз раҳбарининг фармонларида мувофиқ Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 23 йиллиги арафасида мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва ислохотларни муваффақиятли

амалга оширишга катта ҳисса қўшган, эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталикни янада мустаҳкамлашда фидойилик кўрсатган, жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий

ҳаётида алоҳида эътиборга сазовор бўлган бир гуруҳ юртдошларимиз давлат мукофотлари – фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланган эди.

(Давоми 3-бетда).

Мамлакатимиз бўйлаб яна бир энг улғув, энг азиз байрамимиз – Бош Қомусимиз қабул қилинган кун кенг нишонланмоқда. Қайсики, унда мустақиллик берган бекиёс неъмат, имкониятлардан эмин-эркин фойдаланиш ҳуқуқи муҳрлаб қўйилган. Шунинг учун ҳам, халқимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги буюк воқеа дея эътироф этилаётган 8 декабрь – 22 йилдан буён қалбларимизга чуқур ҳаяжон, саодатли кунларимизга шукроналик, фахр-ифтихор туйғуларини бахш этиб келмоқда. Вилоят Маданият ва маърифат марказида бу кутлуг санага бағишланган катта байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда қатор давлат ва жамият бошқаруви органлари ходимлари, сенаторлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, олимлар, шоир ва ёзувчилар, вилоятимизнинг иқтидорли ёшлари, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва маҳаллалар фаоллари иштирок этишди.

Байрам тадбирини вилоят ҳокими Аҳмаджон Усмонов олиб борди.

ФИДОЙИЛИК ВА ФАОЛЛИК РАҒБАТИ



– Мустақиллигимизнинг ҳуқуқий пойдевори – Асосий Қонунимиз қабул қилинган кун – Конституциянинг 22 йиллигини нишонламоқдамиз, – деди А. Усмонов. – Истиқлолимиз бизга ўзликни аниқлаш, ҳуқуқ ва эркинликларимизни таниш имконини берди. Конституция эса эркин, озод

ҳаётимизнинг қафолати, пойдеворидир. Бугун вилоятимизнинг бир гуруҳ меҳнаткашларига мамлакатимизнинг юксак мукофотлари топширилишида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор. Зеро, улар Соғлом бола йилидаги қўламини ислохотларнинг энг фаол ва фидойи иштирокчилари сифатида ҳурмат, эътибор қозонишган.

Дарҳақиқат, мукофотланганлар орасида оддий ишчи, ўқитувчи, мураббий, шифокор, ижодкорлар, ғайрат-шижватли ёшлар ҳам бор. Қўрақда орден ва медаллар, кўлларда анвойи гуллар, чехраларда бахтиёрлик нашидаси – кўриб ҳавас қилсан, дорилламон

кунларга, шукрули онларга, озод, обод, фаровон ҳаётимизга шукроналар айтасан киши.

– Мендек оддий Ўзбек аёли, қишлоқ ўқитувчисига кўрсатилган ҳурмат-эҳтиром, эътибору рағбат учун Президентимизга, мустақил диёримга, халқимга таъзим қиламан, – дейди "Дўстлик" ордени нишондори, Бекобод туманидаги 53-умумтаълим мактаби она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Гулчехра Рискулова. – Бу мукофот нафақат менга, балки вилоятимиз, туманимиз, қолаверса, жонажон

(Давоми 4-бетда).

Даврон АХМАДОВ ва Қобилжон ҒОФУРОВ олган суратлар.



Эълонлар

"КО'Р TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибиди ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига 1) Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судининг 17.07.2014 йилдаги 1-3168/14-сонли ижро варақасига асосан: бошлангич нархи - 42 187 500 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Марказ 15-мавзе (Жанггоҳ) кўчаси, 9-уйда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 62,40 кв.м., яшаш майдони 36,40 кв.м.дан иборат бўлган 34-хонадон (тураржой); 2) Тошкент шаҳар Учтепа тумани СИБ томонидан Заңгиота туманлараро фуқаролик судининг 08.10.2010 йилдаги 1-15334/2010-сонли ижро варақасига асосан: бошлангич нархи - 48 800 000 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Эски Қовунчи қ.ф.й., Жамбул кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 244,22 кв.м., бостирма майдони 25,60 кв.м., омборхона майдони 44,8 кв.м.дан иборат бўлган "Нотураржой бино ва иншоотлари"; 3) Тошкент шаҳар Олмазор тумани СИБ томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судининг 19.09.2014 йилдаги 1-3478/2014-сонли ижро варақасига асосан: Бошлангич нархи - 125 000 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Мискин кўчаси, 23-уйда жойлашган, умумий ер майдони 382,14 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 201,76 кв.м., яшаш майдони 118,80 кв.м.дан иборат бўлган "Тураржой" қўйилмоқда. Аукцион савдолари 2015 йил 9 январь кунини соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Такрорий аукцион савдосига 1) Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан такдим этилган 09.12.2013 йилдаги №20340/15-сонли ижро ҳужжатига асосан, бошлангич нархи - 326 991 093 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Тахтатул кўчаси, 8-уйда жойлашган, умумий ер майдони 600,0 кв.м., қурилган остидаги майдони 359,44 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 159,89 кв.м., яшаш майдони 126,12 кв.м. бўлган 7та яшаш хонадон иборат Тураржой (ҳовли); 2) Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан такдим этилган 17.01.2014 йилдаги №478/15-сонли ижро ҳужжатига асосан, бошлангич нархи - 698 747 484 сўм, Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Олтинтопан, Ж. Остонов кўчаси, 4-уйда жойлашган, умумий ер майдони 3704 кв.м.дан иборат бўлган "Мотор цехи биноси"; 3) Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан, 06.03.2006 йилдаги №1-88/2006-сонли ижро варақасига асосан, бошлангич нархи - 84 354 659 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Қўрай тумани, "Мичурин дала ховлилар" ҳудудида жойлашган, 1 қаватли, айвон, баседа, бассейни, ёғи ошхоналардан иборат бўлган 67-сонли "Дала ховли"; 4) Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан Жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 21.08.2013 йилдаги 403/13-сонли ижро ва-

рақасига асосан такдим этилган: 1) Бошлангич нархи - 640 560 939 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Заңгиота тумани, Ойбек кўчасида жойлашган умумий майдони 1,84 га бўлган (бино ва иншоотлар 0001 литердан 0003 литергача, 0004 литердан 00069 литергача қурилиш тугалланмаган ҳовуз ва иншоотлар)дан иборат "Бошлар спорт соғламлаштириш мажмуаси"; 2) Бошлангич нархи - 3 077 780 280 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Олтин Водий 2-бەрк кўчаси, 59-уйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 19992 кв.м. бўлган (0001 литердан 0013 литергача бино ва иншоотлар, шундан 0003, 0007, 0009, 0011, 0012, 0013 литердан иборат қурилмалар ҳужжатсиз) "Нотураржой биноси"; 3) Бошлангич нархи - 791 854 583 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Заңгиота тумани, Қўсарой қ.ф.й.да жойлашган "MAVLONBEK ALIBEK" МЧЖга қарашли ер участкасининг майдони 5,74 га дан иборат Литер 0001дан Литер 0026 гача бўлган "Ферма бино ва иншоот"лари; 4) Бошлангич нархи - 54 053 011 298 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Яқсарой тумани, А.Қаҳҳор кўчаси, 2-уйда жойлашган, умумий майдони 11 571 кв.м., (А блоки 3-16 қаватлари, Б, В, Г, ва Д блоклардан) иборат бўлган "Қурилиш тугалланмаган нотурар ва тураржой бинолари"; 5) Тошкент шаҳар Чилонзор тумани СИБ томонидан 12.09.2014 йилдаги 10-1307/7167-сонли ижро варақасига асосан, бошлангич нархи - 1 600 000 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Лутфий кўчаси, 49-уйда жойлашган, умумий майдони 4926 кв.м.дан иборат "Савдо-маиший мажмуаси" қўйилмоқда; Такрорий аукцион савдолари 2014 йилнинг 23 декабрь кунини соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлган миқдорда зақалат пулини "КО'Р TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт, МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш қимосиди савдоси ўтказилишига бир иш кунини қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: № 0039.

Олмазор тумани ТСРҲИ томонидан рўйхатга олинган якка тартибдаги тадбиркор "Джурараева Мухаббат Шахвотовна" номига "Ўзсаноктурилишбанк"и томонидан берилган чек дафтарчаси (№ 0748776-0748800) йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

"AVTO DAXON" (ИНН 302601888) МЧЖга тегишли бўлган думалоқ мухр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

"OMADLI SHOXRUN" МЧЖга тегишли бўлган АТ 0034639 рақамли лицензия ҳамда № 1481344, 1481345, 1481346, 1481347 рақамли лицензия варақалари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ООО "IJOOD-PNEUMO" (ИНН 301363229), зарегирированное ИПСН хохимията Яккасарайского района г. Ташкента за № 004917-11 от 03.11.2009 г., расположенное по адресу: ул. Абдуллаева, дом 6, кв 21, ЛИКВИДИРУЕТСЯ (протокол собрания учредителей № 02 от 04.12.2014 г.) Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по телефону: 303-49-22.

Тошкент шаҳар С. Ҳ. Сирожиддинов номли академик лицей томонидан 2014 йилда Султонова Саодат Мухторжон кизига берилган Л № 209311 (тартиб рақами № 347) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Юнусобод тумани ТСРҲИ томонидан 12.04.2013 йилда гувоҳнома рақами № 006630 билан рўйхатга олинган "SARVAR TRADE BUSINESS" МЧЖга тегишли бўлган бир дон бурчак тамгаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Якка тартибдаги тадбиркор "Халиков Фарход Шухратович"га тегишли бўлган думалоқ мухр ҳамда бурчак тамгаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ООО "REPAIR GROUP" (ИНН 302432323) сообщает об уменьшении уставного фонда с 800 253 316,65 сум до 500 253 316,65 сум.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ТАЯНЧИ

Тошкент Давлат аграр университетиди Конституциямиз қабул қилинганлигининг 22 йиллигига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Вилоят адлия бошқармаси, Фуқаролик жамияти шаклланишининг мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий

Тадбирда таъкидланганидек, Конституциямиз мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, замонавий цивилизациянинг илгор ютуқлари ва тараққиётнинг миллий таъриблари уйғунлашган, фуқароларнинг интеллектуал салоҳияти, бунёдкорлик, яратувчанлик қобилияти ва соғлом тафаккур тарзи асосида адолатли фуқаролик жамиятини ривожланти-

риш имконини берганлиги, кўп миллатли ва кўп этниклик мамлакатда миллатлараро ва динлараро бағрикенглик, ижтимоий бирдамлик, умумий манфаат атрофида бирлашиш таъмоилларининг қонун билан қоплатилгани, миллий давлатчилигимизнинг ҳар томонлама ривожланишига хизмат қилувчи қонунлар тизимини яратишда асосий манбадир.

бўлинимаси ҳамда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати виллоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мутасадди ташкилот вакиллари, университетнинг профессор-ўқитувчилари ва иқтидорли талабалар иштирок этди.

Тадбир якунида, ёшларни ҳар томонлама соғлом ва барқамол қилиб тарбиялаш ҳамда Ватанга, касбига муҳаббатини янада мустаҳкамлашда жонбозлик кўрсатган университетнинг бир қатор фидойи ўқитувчиларига фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Аваз БЕКОВ.
Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган сурат.

Хушхабар

«АЁЛЛАР МАСЛАҲАТ МАРКАЗИ»

Хотин-қизлар ўртасида маънавий муҳитни соғломлаштириш, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, айниқса, уй бекаларининг турмуш тарзини ўргатиш, турли маънавий-мафкуравий хуружлардан асраш ва ҳар томонлама ёрдам бериш мақсадида виллоят «Аёллар маслаҳат маркази» ташкил этилган эди.

Чирчиқ шаҳрида ҳам хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида "Аёллар маслаҳат маркази"нинг филиали иш бошлади. Унинг очилишида шаҳар ҳокимлиги ва барча жамоат ташкилотлари вакиллари, хусусан, маҳалла маслаҳатчилари, ҳуқуқ-тарти-



бот органлари, диний идоралар, ФХД, "Қамолот" ЁИХ фаоллари, ўқитувчилар, шифокорлар иштирок этишди. Қатнашчилар марказнинг мақсад ва вазифалари, фаолият юритиш қоидалари билан таништирилди.

Марказ тингловчилари ҳақида сўз берганда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари, маҳалла расми ва маслаҳатчисига мурожаат этган аёллар юборилиши, шунингдек, хотин-қизлар ҳолис маслаҳат олиши мумкинлиги таъкидланди.

Сайёра ҲИМАТОВА.
Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган сурат.

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

ТИЛСИЗ ЁВ ЛОҚАЙЛАРНИ ЖАЗОЛАЙДИ

Инсоният яралибдики, олов – унинг доимий ҳамроҳи, қундалик ҳаёти омилли. Лекин, у тилсиз кулфатлар келтирган ҳоллар ҳам кўп бўлган. "Олов – тилсиз ёв" дейилишининг боиси шу.

Қатта моддий зарар ва оғир мусибатлар келтирувчи ёнғинларга ақсарият ҳолларда айнан ўзимизнинг эътиборсизлик ва лоқайдлигимиз сабаб бўлади. Ҳар йили республикада, жумладан виллоятимизда содир бўлаётган ёнғинлар хавфсизлик қоидаларига қатъий амал қилмаслигимиз оқибатидир.

Сўнгги беш йилдаги 8700 дан зиёд ёнғиннинг ақсарияти фуқароларнинг тураржойларида содир бўлди. Шу йилнинг ўн ойида юз берган 1352 та ёнғиннинг 937 таси тураржойларга қўйиб келди. Ачинарли жиҳати шуки, 20 киши бевақт ҳаётдан қўз юмди, 76 киши турли даражада жароҳат олди.

Ёнғинларнинг 24,1 фоизига электр ускуналарининг носозлиги ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя қилмаслик, 23 фоизи эҳтиётсизлик, 43,8 фоизи пень ва газ ускуналарининг носозлиги ва улардан нотўғри фойдаланиш, 18 фоизи-

га қаровсиз қолган бола-ларнинг олов ўйнаши сабаб бўлган. Бундай ҳолатлар Ангрэн, Олмалик шаҳарлари, Окқўрғон, Охангарон, Бўстонлик, Заңгиота, Қўрай, Паркент, Ўрта Чирчиқ, Чиноз ва Янгийўл туманларида одамлар ҳаётига зомин бўлди. Бунга қўлпа мисоллар келтириш мумкин.

Хизмат ходимлари ёнғинларнинг олдини олиш ва одамлар ҳаётини асраш учун қатор чора-тадбирлар кўрмоқда. Халқ ҳўжалигининг турли тармоқлари, саноат корхоналари, ўқув муассасалари ва аҳоли тураржойларида мудҳиш офат-

нинг олдини олиш ва унга барҳам бериш мақсадида режали текширувлар ўтказилмоқда. Фуқаролар билан учрашув ва суҳбатлар ушатирилмоқда, телевидение ва даврий матбуот нашрлари орқали тушунтириш-тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Ўртимиз ва халқимиз бойлигини, энг муҳими, одамлар ҳаётини ёнғинлардан асраш ҳаммамизнинг ишмиизидир. Пешона тери тўкиб, ҳалол меҳнат қилиб топган мол-мулкни бир лаҳзада қўққа совирилиб, фожиа қурбонига айланишини истамаган киши борки, ҳеч қачон олов билан ўйнашмайди, ўзини ва яқинларини ташвишга қўймайди.

Ўт балосига учрамаслик учун ҳаммиса ҳушёр бўлайлик, хавфсизлик қоидаларига сўзсиз амал қилайлик! Суннатилла СУЛТОНОВ, виллоят ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бўлими бош мутахассиси.

ОБ-ХАВО МАЪЛУМОТИ



Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 6 декабрь кунини Тошкент виллоятда ҳаво ўзгариб туради, баъзи жойларда ёмғир ва қор ёғиши мумкин. Айрим жойларда туман тушади. Фарбдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Баъзи жойларда шамолнинг тезлиги қунаиб, секундида 15-20 метрга етади. Кечаси 3-8 даража совуқ, кундузи 2 даража совуқ, 3 даража илик бўлади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, баъзи жойларда вақти-вақти билан қор ёғади. Қор қўчиши хавфи бор. Айрим жойларда туман тушади. Фарбдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Баъзи жойларда шамолнинг тезлиги қунаиб, секундида 15-20 метрга етади. Кечаси 5-10 даража совуқ, кундузи 4 даража совуқ, 1 даража илик бўлади.

ФИДОЙИЛИК ВА ФАОЛЛИК РАҒБАТИ

мактабим ўқитувчилари меҳнатига рағбат, шунингдек, улкан масъулият ҳам. Бундан бун ҳам мустақил Ўзбекистонимиз келажаги бўлган ёшларни ўқитиш, тарбия беришда виждонан меҳнат қилишга ваъда бераман.

– Менинг камтарона меҳнатимни қадрлаб, юксак мукофотга муносиб қўрган она Ватаним, Президентим, азиз халқим, қадрдон касбдошларимга ташаккур, – дейди "Шўхрат" медали соҳиби, "Бекобод цемент" корхонаси цех бошлиғи Одил Алматов. – Қундан-қунга яшнаб, очилиб бораётган гўзал диёрим равнақида озгина бўлса ҳам ҳиссам борлигидан бах-

тирман. Мустақиллик берган нўматларга, унинг қолати бўлиши бахтимиз Қомуси – Конституциямизга шўроналар айтаимиз. Нишондорларнинг ҳаяжону бахтиёрлик сурури тадбир иштирокчиларига ҳам кўтаринки кайфият бахш этди. Элимиз ардоғидаги санъаткорлар, виллоятимизнинг ҳушовоз хонандалари, латифатли раққослар ва ёш иқтидорлар ижросидаги қатта байрам концерти барчага манзур бўлди.

Байрам тадбирида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Илғизар Собиров иштирок этди.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири.



МУХОЛИФАТ ЕТАКЧИСИ СУИҚАСДДА АЙБЛАНЯПТИ

Венесуэла ҳукумати муҳолифат етакчиси Мария Корина Мачадо мамлакат президенти Николас Мадурони гўё ўлдирish мақсадидаги фитнада иштирок этганлиги айблангани хусусида хабар тарқатди Reuters агентлиги.

Бирок, ушбу айблов эълон қилинганидан сўнг муҳолифатчи қамқоққа олинмади. Агар Мачадо ҳақиқатдан ҳам айбдор деб топилса, у 8 йилдан 16 йилгача муддатга қамалиши мумкин. Муҳолифат Уго Чавеснинг вориси Мадурони суд ҳамда сайлов тизимларини қаттиқ сиқуга олганлигида айбланмоқда. Унинг фикрича, 2015 йилда ўтказиладиган парламент сайловларида муҳолифатчиларни сиқиб чиқариш мақсадида шундай қилинган.

47 ёшли Мачадо хоним шу йилнинг бошларида амалдаги ҳукуматга қарши ушатирилган йирик қўна намоийшларининг олдинги сафида турган. Ушбу тартибсизликлар жараёнида ўнлаб одамлар қурбон бўлди. Мадуро бошлққ социалистар муҳолифатни АҚШ томонидан қозирги ҳукуматни ағдариб ташлаш мақсадида ушатирилган фитнада айбланмоқда.

ЖАҲОН БОЗОРИДА ЕТАКЧИ БЎЛМОҚЧИ
Машҳур немис автомобилсозлик Volkswagen концерни кейинги тўрт йил давомида замонавий машина модели ва технологиясини яратиш, шунингдек, янги завод қуриш учун қамда 85 миллиард евро сарфламоқчи.

Шу билан бир вақтда ушбу ишга йўналтириладиган капитал сармоянинг 65 фоизини Германияда қолдириш режалаштирилмоқда. Volkswagen директори Мартин Винтеркорнинг сўзларига қараганда, концерн бошқа тўрдош ишлаб чиқариш корхоналарини ҳам иқтисодий, ҳам экологик жиҳатдан жаҳон бозоридан сиқиб чиқариб, яқка етакчилик қилмоқчи.

ЭНГ ТЕЗЮРАР ЛИФТ
Hitachi компанияси сотаган 72 километр тезликда ҳаракатланадиган лифт ишлаб чиқди.

Компаниянинг маълум қилишича, дунёда энг тезюрар ҳисобланувчи ушбу лифт биринчи қаватдан 95-қаватга 43 сонияда чиқиб боради. Таъкидланганича, энгил трот суръатда яна қучли двигателдан фойдаланиш ҳисобига шундай тезликка эришилди.

Hitachi яратган янгилик шу пайтгача Тайваннинг энг тезюрар ҳисобланиб, соатига 60,6 километр тезликда ҳаракатланадиган лифтини орта қолдирди. Дунёда энг тезюрар лифтидан Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида 2015 йилда қуриб битказиладиган 111 қаватли, баландлиги 530 метр бўлган бинода фойдаланилади.

ЎНДАН ОЛТИ БЕМОР ЎЛИМГА МАҲКУМ
Ғарбий Африкада 2014 йилнинг февралда пайдо бўлган Эбола безағи қурбонлари 6 мингдан ошди.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти шу ҳақда тарқатган ҳисоботида келтирилишича, Либерия мамлақати ушбу хавфли касалга қалиниш ва қурбонлар қўлғига жиҳатидан биринчи ўринда туради. Рўйхатга олинган 7635 беморнинг 3145 нафари ҳалок бўлди. Сьерра-Леонеда қурбонлар сони 1563, Гвинеяда 1327 кишига етди. Шунингдек, Нигерия, Мали мамлақатларида ҳам шу безағдан нобуд бўлганлар бор.

АҚШда ушбу безағ вирусини оқтирган тўрт киши рўйхатга олиниб, улардан фақат бир нафари ҳаётдан қўз юмди. Умуман олганда, шу пайтгача 17 минг 145 киши безағка қалиниб, улардан 8070 нафари оламдан ўтди. Ҳисоб-китоблар шунини кўрсатмоқдаки, Эболага қалинган ўндан олти бемор ўлимга маҳкум бўляпти.

ЯНА ПАРРАНДА ГРИППИ ХУРУЖИ
Нидерландиядаги тўртта фермада парранда гриппи хуруж қилганлиги аниқланди.

Маълумотларга қараганда, 28 мингга яқин парранданинг ҳаммаси йўқ қилинди. Энди ушбу фермалар атрофидаги яна тўртта ҳўжалиқдаги паррандалар текширувдан ўтказиляпти.

Кейинги 11 йилдан бун Голландияда парранда гриппи вирусини икки ҳафта бурун таниши бор аниқланди. Гап шу пайтгача номаълум бўлган вирус турини ҳақида борапти. Айни пайтда экспертлар унинг инсон ҳаёти учун қанчалик хавфли эканини аниқлаш билан машғул. Таъкидлаш жоизки, аввалги йиллар давомида Шарқий Осиё минтақасида, жумладан, Хитойда парранда гриппи хасталиғи қўлпа одамларнинг умрига зомин бўлган эди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

бўлишини қўзлаган бу гайриқонуний жиноят ортида яна қанчадан-қанча тадбиркор суқда фуқаролар азият чекишарди.

Суд ҳукмига асосан, Н. Ҳасановга қатта миқдорда жарима жазоси тайинланди. Албатта, у қилмишидан қаттиқ пушаймон бўлди. Лекин, қабих ишга қўл уришдан аввал унинг оқибатини ўйлаб қўрганда, қилмишидан юзи шуву бўлмасди, оиласига қатта миқдорда иқтисодий зарар келтирмасди.

М. МИРЗАХЎЖАЕВ, республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Департаментнинг Шайхонтоҳур тумани бўлими бошлиғи ўринбосари.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент виллоят ҳокимлиги

Бош муҳаррир

Убайдулла

АБДУШОҲИДОВ

Манзил:

100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

e-mail:

th.tp@mail.ru

Телефонлар:

233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).

Бўлим муҳаррирлари ва
муҳбирлар:

233-12-83, 233-48-08.

Шартнома ва эълонлар:

233-56-03, 233-65-59.